



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING MAJLISI TUGRISIDA AXBOROT

2011 йил 19 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан 2011 йил 21 январда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш янунларини кўриб чиқишга бағишланди.

Мажлисида мамлакатни ривожлантиришнинг белгиланган макро-иқтисодий кўрсаткичларига эришишни таъминлаш, бозор ислохотларини ва иқтисодий эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш, таркибий қайта ўзгартиришларни давом эттириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун энг қулай ишбилармонлик муҳити яратиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижалари ҳар томонлама кўриб чиқилди ва ҳуқуқ таҳлил қилинди.

Қайд қилиндики, жаҳонда ислохотларнинг «Ўзбек модели» сифатида кенг эътироф этилган ўз ривожланиш моделини изчи ва аниқ мақсадларга йўналтирилган тарзда амалга ошириш туфайли, давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамай, жаҳондаги унча кўп бўлмаган мамлакатлар қаторида республикамизда макро-иқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг изчи юқори суръатлари сақланиб қолмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,2 фоизни, sanoat маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши 7,0 фоизни ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми ўсиши 6,8 фоизни ташкил этди. Давлат бюджети ялли ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоиз микдорида профицит билан ижро этилди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичлардан ошмади.

Экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулотни сотишнинг янги ташкил бозорларини фаол излаш ва ўзлаштириш, экспорт тузилмасини диверсификациялаш экспорт ҳажмининг 21,4 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмасининг салмоқли ижобий салдосини таъминлади.

Мажлис кун тартибидеги масалаларни муҳокама қилиш даво-

мида пахта ҳосилини йиғиб-те-риб олиш бўйича қишлоқ хўжалиги ишлари натижаларини ва кейинги йил ҳосили учун агро-техника тадбирларини ўтказишнинг боришини ҳар томонлама таҳлил қилишга алоҳида эътибор берилди. Жорий йилда сув кам бўлганига қарамай, агротехника тадбирларининг бутун комплексини ўз вақтида ўтказиш, суғориш сувини қатъий лимитлаш ва ундан оқилона фойдаланиш, шунингдек, қишлоқ меҳнатқашларининг омилкорлиги мўл-қўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилини етиштириш имконини берганлиги қайд этилди. 2011 йил пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилини йиғиб-те-риб олиш ҳамма жойда тугалланмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли хўжалик бирлашмалари раҳбарияти олди-га пахта хомашёси ҳосилини йиғиб-те-риб олишни тугаллашни жа-даллаштириш, кузги бошқоқ экин-лар экиш, кузги шудгорлаш тад-бирларини амалга ошириш, шўр-ланган ерларни ювиш, коллектор-дренаж ва суғориш тизимларини тозалаш, гидротехника иншоот-ларини таъмирлаш ва тиклаш бў-йича аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисида иқтисодий тармоқ-лари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфра-тузилма объектларини куз-қиш даврига тайёрлаш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани қишга рағбатланиш ташкил этиш иш-лари натижаларини танқидий кўриб чиқишга жиддий эътибор қаратилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бир қатор вазирликлар, идора-лар, «Ўзбекэнерго» ва «Ўзтранс-газ» компаниялари раҳбарлари-нинг ҳисоботлари давомида иқти-содий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фон-дининг 2011-2012 йиллар куз-қиш даврига тайёрлиги ва барқарор фаолият кўрсатиши, шу жумла-дан газ-транспорт ва энергия таъ-миноти объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий газ, кўмир ва электр энергияси ҳа-сулуксиз етказиб берилиши юза-сидан уларнинг шахсан жавобгар эканлигига алоҳида эътибор қар-атилди.

(Давоми 3-бетда.)

Фракция фаолияти



Владимир ГОНЧАРЕНКО олган суратлар.



Қонун лойиҳалари

фракция аъзолари томонидан маъқулланди

■ Оилавий тадбиркорликни ўрганиш академияси маълумотида кўра, дунёдаги энг йирик ишлаб чиқарувчи компанияларнинг қарийб 50 фоизи оилавий тадбиркорлик асосида ташкил этилган. Демак, оилавий тадбиркорлик ривожланиши учун имконият яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган давлатлар тажрибаси аллақачон бунни исботлади.

Шу боис юртимизда оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш учун янги қонун лойиҳаси киритилган-ти, оила аъзоларининг бир мақсадни кўлаб интилиши, биргаликда иш ташкил қилиши учун шароит яратилапти, имтиёзлар белги-ланаяпти.

Олий Мажлис Қонунчи-

лик палатасидаги ЎзХДП фракцияси йиғилишида дастлаб «Оилавий тадбир-корлик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

— Оилавий тадбиркорлик оилалар даромади кўпайи-шида, иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқариш фаолиятига кенг жалб этишда муҳим аҳа-ми-

ят касб этади, — деди Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасидаги ЎзХДП фракцияси раҳбари Улугбек ВАФОВ. — Бу партия-миз дастурий мақсадла-рини амалга ошириш билан ҳамоҳангдир. Шунинг учун оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, иштирокчиларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбури-ятларини аниқ белгилаб бе-риш лозим.

— Қонун лойиҳасида оилавий корхона иштирок-чиларининг умумий мол-мул-ки асосида уларнинг уй-жойга бўлган умумий (улуш-ли) ёки биргаликдаги) мул-ки негизда ташкил этили-ши мумкинлиги назарда ту-тилмоқда, — деди Олий Мажлис Қонунчилик па-

латасидаги ЎзХДП фрак-цияси аъзоси Улугбек ХОЖИБЕКОВ. — Бунда, оилавий корхона иштирок-чиларининг мол-мулки ҳимоясини таъминлаш за-рур. Бунинг учун оилавий корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида Фуқаролик кодексига бел-гиланган тижорат таш-килотларининг ташкилий шаклларида бирини тан-лаш ёки Фуқаролик кодек-сига тегишли тартибда оилавий тадбиркорлик ти-жорат ташкилотининг ало-ҳида ташкилий-ҳуқуқий шакли экани тўғрисида меъёр киритиш масаласи-ни ўрганиб чиқиш керак.

(Давоми 3-бетда.)

Эътироф

Ўзбекистон раҳбарияти тарихий меросни, меъморий ёдгорлик ва аънаваларни асраб-авайлашга алоҳида эътибор қаратаётгани ҳолда илм-фан, ижодий соҳалар раънақи ва санъат масалала-рига ҳам катта аҳамият бермоқда. Аини вақтда Ўзбекистон таълим соҳаси тараққиётга бюджет маб-лағларининг салмоқли қисмини йўналтираётгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Чунки таълимсиз келажак-нинг ўзи йўқ. Шу маънода биз, европаликлар малакали кадрлар тайёрлаш соҳасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганишимиз зарур, деб ҳисоблайман».

Ж. БЛАНКОФ,
(Брюссел Эркин
университети профессори,
Архология қироллик
академиясининг аъзоси).

Спорт

Кураш

ОММАЛАШМОҚДА

■ Термиз шаҳрида 22-23 октябрь кунлари кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган аънаваний халқаро турнир ва катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ватанимиз давлат мустақилли-гининг йиғирма йиллигига ба-ғишлаб ўтказилаётган мазкур икки нуфузли мусобақа олди-дан пойтахтимизда Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) ижроия қўми-тасининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Тадбирда КХА ижроия қўмитаси аъзолари, кураш бўйи-ча минтақавий конфедерациялар вакиллари, спорт жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситала-ри ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти Ислам Каримов ташаб-буси билан 1998 йил 6 сентябр-да Кураш халқаро ассоциация-си тузилиб, кураш халқаро спорт тури мақоми олдди. Давлати-миз раҳбарининг 1999 йил 1 февралдаги «Халқаро «Кураш» Ассоциациясини қўллаб-қувват-лаш тўғрисида»ги Фармони мил-лий кураш ривожига янги бос-қични бошлаб берди.

Термиз шаҳрида 22-23 ок-тябрь кунлари кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Пре-зиденти соврини учун Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлан-ган Аънаваний халқаро турнир-да полвонлар мутлақ вази тои-фасида гиламга чиқса, катталар ўртасидаги VIII жаҳон чемпио-нида эркаклар ва хотин-қизлар етти вази тоифасида голиблик учун беллашади.

(Ў.А)

Бугун пойтахтимизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши-нинг V пленуми бўлиб ўтади.

Пленумда ЎзХДП ташкилотлари ва де-путатлик гуруҳлари-нинг «Мамлакатимиз-да демократик исло-хотларни янада чуқур-лаштириш ва фуқаро-лик жамиятини ривож-лантириш концепция-си»ни амалга ошириш-даги иштирокини яна-да такомиллаштириш масалалари муҳокама этилади.

Ижроия қўмита йиғилиши

■ Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг кенгайти-рилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда «Мамлақати-мизда демократик ислохот-ларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-да белгиланган вазифалар-дан келиб чиқиб, партиянинг 2011-2014 йилларга мўлжал-ланган амалий Ҳаракат да-стурида назарда тутилган иж-тимоий-иқтисодий масала-ларнинг ижросини таъмин-лашда ЎзХДП ташкилотлари ва депутатлик гуруҳларининг фаолигини ошириш масала-сига эътибор қаратилди. Шу-нингдек, Қорақалпоғистон республика, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари тарғибот гуруҳларининг олиб бораёт-ган ишлари ва уларнинг фа-олиятини янада такомиллаш-тириш каби масалалар му-

ҳокама этилди. Йиғилишда аҳолининг иж-тимоий қўмакга муҳтож қат-лами манфаатини ҳимоя қилишда ЎзХДП ташкилотла-рининг ўз-ўзини бошқариш ва фуқаролик жамияти ин-ститути билан ҳамкорлиги-ни янада ривожлантириш ма-салалари бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Наманган вилоят партия кенгашининг партия имжи-ни ошириш, унинг дастурий мақсадларини тарғиб этиш ва электрот билан ишлаш-да кўрғазмалар воситалардан фойдаланиш тажрибаси ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Партия марказий нашрла-ри — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газета-

ларига 2012 йилга обунани ташкил этиш борасида ма-ҳаллий партия ташкилотлари-га тегишли тавсиялар берил-ди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «Ўзбекистон ХДП туман ва шаҳар партия кенгашлари бухгалтерияла-рини минтақавий кенгашлар негизда босқичма-босқич марказлаштириш тўғрисида»-ги қарорининг бажарилиши ҳамда Ўзбекистон ХДП Қора-қалпоғистон республика, ви-лоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида иш юритиш ва ижро интисомига амал қилиш масаласи муҳокама этилди, бу борада ҳам иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳудудий партия ташкилотла-рининг тафтиш комиссиялари тўғрисида»ги Низом ҳам кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

(Ўз мухбиримиз).

Қувончли, фахрли воқеа

■ Қаршининг «Насаф» жамоаси мам-лакатимиз футбол тарихида биринчи бўлиб ОФК кубоги финалига йўлланма-ни қўлга киритди!

Ўзбек футбол тарихида янги саҳифа

18 октябрь оқшоми миллионлаб мухлис-ларимизга олам-олам қувонч ва хурсанд-чилик туҳфа этди. Осиё футбол конфедер-ацияси кубоги баҳсларида чиройли ва ҳужумкор ўйин намойиш этаётган «Насаф» жамоаси яна бир муҳим галабага эришди. Ўзининг дастлабки учрашуви 4 октябрь кунини Қаршидаги Марказий стадионда ўтказилган эди. Кескин кечган бу ўйинда «Насаф» футболчилари Иорданиянинг «Ал-Виҳдат» жамоасини 1:0 ҳисобида енгиш-га эришганди.

Жавоб ўйинини мухлисларимиз ҳадик ва хавотир билан кутишди. Омман шаҳрида-ги Қирол Абдуллоҳ халқаро стадионида



ўтказилган учрашув олдида мезбонлар бош мураббийи Муҳаммад Исмоил Квид ўз шогирдларининг галабасига шубҳа қилмаётга-нини қайта-қайта такрорлаган бўлса-да, ҳамюртларимиз майдонда илк дақиқадан бошлаб ҳужумкор ўйин кўрсатишди. Аммо ва-килларимиз қулай вазиятларда гол киритиш имкониятларидан фойдалана олишмади.

⇒ 4

Давра суҳбати

Бошланғич партия ташкилоти

фаол бўлиши кимларга ва нималарга боғлиқ?

Президентимиз тақдим этган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик институтлари фаолиятини кучайтириш, хусусан, сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Тажрибадан маълумки, ҳар қандай сиёсий партиянинг куч-қуввати унинг асоси — пойдевори ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолияти қандай йўлга қўйилганига боғлиқ.

«Ўзбекистон овози» газетаси ҳамда Самарқанд вилоят партия кенгаши ҳамкорликда бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига бағишланган давра суҳбати ўтказди.

Унда бошланғич ташкилотлар фаолиятини бугунги кун талабига мос равишда ривожлантириш ҳақида фикр юритилди. Мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими муҳокама қилинди.

Давра суҳбатида вилоят ва шаҳар партия кенгашлари, бошланғич ташкилотлар раислари, фаоллар иштирок этди. **Бўрибой БҲУНОВ, ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари:**

Президентимиз олға сурган Концепция ўтган қисқа даврда эришган ютуқларимизни баҳолаб, мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилаб берди. Сиёсий партиялар зиммасига улкан масъулият юкланди. Бугун эришган ютуқларимиздан қувониб, уларга қўлимиз бўлиб ўтирадиган вақт эмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Мамлакатимиз шиддат билан ривожланаётган, сиёсий партиялар олдида муҳим вазифалар қўйилган ҳозирги пайтда ўз фаолиятимизга танқидий ёндашимимиз керак.

Вилоятда 19.650 нафар партиядошимиз бўлиб, улар 777 та бошланғич ташкилотга жишлаган. Жорий йилнинг ўтган даврида 790 нафар киши партия аъзоллигига қабул қилинди. Айниқса, Пахтачи туманидаги сафдошларимиз ўртак бўларли ишларни қилмоқда. Бу ерда 50 та БПТ ташкил этилган. Маҳаллий кенгашнинг 30 нафар депутатидан 28 нафари ЎзХДП вакиллари. Уларнинг партиямиз кўйи ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлиги, жойлардаги муаммоларни чуқур ўрганиши тўғрисида тўғри Кенгаши сессияларига электрлот, умуман кенг аҳоли манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган қатор масалалар киритилди ва уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бундай фаолликни Иштихон, Булунгур ва Каттақўрғон туманлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Аммо ҳамма жойда ҳам БПТлар бугунги давр талаблари даражасида фаолият юритмоқда, деб бўлмайди. Оқдарё, Қўшрабат, Ургут, Жомбой ва Самарқанд туманларида кўйи ташкилотлар раисларининг кўпчилигида ташаббускорлик, ташкилотчилик етишмапти.

Анчқ бўлса-да очигини айтиш керак, айрим БПТ раислари ўз фаолияти давомида бирор марта ҳам аниқ ташаббус ёки тақлиф билан чиқмаган. Номига йиғилиш ўтказиш, номига етакчи бўлишдан кимга фойда? Партиянинг асосий таянчи ҳисобланган БПТнинг айримлари нафақат вилоят партия кенгаши, ҳаттоки туман ва шаҳар кенгашлари билан ҳам доимий алоқада эмас. Бу ўринда туман, шаҳар кен-

гашларининг айби борлигини ҳам тан олмагимиз керак. Бошланғич ташкилотлар фаолиятини таҳлил қилиб, уларга ёрдам кўрсатишимиз лозим.

Тўғриси айтганда, энди эскича усулда ишлаб бўлмайди. Буни вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари масъуллари англаб етиши керак. Партиянинг нуфузи сон билан эмас, фаолияти сифати билан ўлланади. Шу маънода БПТ раисларининг сиёсий билим ва малакаларини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Улар иштирокда замонавий сиёсий технологиялардан фойдаланган ҳолда семинар-тренинглари ўтказиб боришни изчил йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

Савол: — Айрим бошланғич ташкилотлар фаолиятидаги сусткашлик сабабини қандай изоҳлаш мумкин? Партия кўйи ташкилотларининг фаолиятини талаб даражасига кўтариш нималарга боғлиқ?

Мамашариф НЕЪМАТОВ, Булунгур туман кенгаши раиси муовини:

— Бунинг сабаби кўп. Энг асосийси — айрим партиядошларимизнинг ўз бурчига лоқайдлиги, кўйи бугун етакчисини сайлаш масаласида масъулиятни етарли ҳис этмаётганимизда. Туманда партияимизнинг 1460 нафар аъзоси 46 та БПТга жишлаган. Туман маданият ва спорт ишлари бўлими, Маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи, «Зарбдор» қишлоқ врачлик пункти БПТлари фаолиятини қоникарли баҳолаш мумкин. Лекин умуман олганда кўйи ташкилотларнинг аксарияти фаолияти давр талабидан орқада қоляпти. Бу борада жиддий ишлар қилиш керак. Аввало, улар ўз вазифаси, бурчлари тўғри англаб етиши учун тегишли чора-тадбирларни кўриш талаб этилади. Уларга ўз кучига ишонч туйғусини сингдириш лозим. Албатта, бунинг оғзида эмас, амалда йўлга қўйиш лозим. Бу асосан туманга улаб ишлашни талаб қилади.

Ҳозирча биз айрим БПТлар номига ташкил этилганини яхши билсак-да, негидир сукот сақлаб келамиз. Бу — ўз-ўзимизни алдаш албатта. Бизнинг туманда ҳам партия Марказий Кенгаши талабига жа-

воб бермайдиган БПТлар бор. Қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежи қошидаги, «Чангал МФЙда жойлашган бошланғич ташкилотлар шулар жумласидандир. Менинг назаримда, партиянинг ҳар бир аъзоси ўз бурчига онгли ёндаша, ўша ерда иш бўлади. Партия аъзоллигига қабул масаласида номзоднинг мана шу жиҳатларига эътибор бериш керак.

Савол: — Партия тарихига назар солсак, бир вақтлар ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши аъзолари сони ва фаолияти самараси бўйича Тошкент шаҳридан кейин турган. Ҳозир эса аҳвол бундай эмас. Бунинг сабаби нимада?

Нурали ПАРДАЕВ, ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси:

— Тўғри, ўз вақтида Самарқанд шаҳар партия кенгаши катта нуфузга эга эди. Кейинги вақтда кадрлар кўнимчилиги партия кенгаши фаолиятига салбий таъсир кўрсатди. Маълумки, шаҳардаги 2145 нафар партия аъзоси 101 та БПТга бириккан. Мен кенгаш раиси вазифасига келганимга ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Охириги у ой ичида биргина Самарқанд шаҳрида партия аъзолари сони 70 нафарга кўпайди.

— Партиянинг асосий таянчи БПТ деймиз. Жойларда унинг фаолияти етарли бўлмаса, партия жамоатчиликдан узилиб қолади. Бошланғич ташкилотларда, меҳнат жамоаларида шаҳар кенгаши ташаббуси билан тадбирлар ўтказиш, партиянинг дастурий мақсад-вазифалари тарғиботини кенг йўлга қўйиш яхши самара беради.

Самарқанд шаҳрида ҳам рўйхатда бор, амалий фаолияти йўқ кўйи ташкилотлар борлигини тан оламиз. Маълум бир сабабга кўра айрим корхона ва ташкилотлар тугатилган, бироқ улар қошидаги БПТлар партия шаҳар кенгаши рўйхатида ҳамон сақланиб турибди.

Партия аъзоларини рўйхатга олиш жараёнида кўпгина камчиликлар очилиб қолди. Рўйхатдаги партиядошларимизнинг айримлари бошқа вилоятларда яшаётган бўлишига қарамай, ҳамон рўйхатдан чиқарилмаган. Айримлари эса аллақачон партия билан алоқасини узган. Бироқ бу масала ҳеч кимни қизиқтирмаган. Оқибатда партия Марказий Кенгашига нотўғри маълумот бериб келинган. Энди бир йўлга кўрайлик, бу ҳолат кўйи ташкилотлар қандай ишлаётганини билдирмайди! Бундан тўғри партия кенгаши ҳам айдор, албатта.

Савол: — Ўз-ўзини танқид қилиш яхши. Аммо нуқсонларни бартараф этиш учун қандай тақлиф киритасиз?

Нурали ПАРДАЕВ: — Биринчидан, Самарқанд шаҳри мисолида олиб қура-

диган бўлсак, барча БПТлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатил лозим. Улар фаолиятини доимий назорат қилиб, амалий ёрдам кўрсатиб бориш зарур. Энг фалол БПТларни рағбатлантириш чоралари устида йўлаш лозим.

Мардон РАҲМОНОВ, партия фаоли:

— Мен 15 йилдан бери партиянинг турли қатламларида меҳнат қилиб келяман. Охириги етти-саккиз ой давомида ЎзХДП Самарқанд шаҳар кенгаши раиси вазифасини бажардим. Кенгашимизнинг янги раҳбари тўғри айтди. Белгиланган тартибга биноан ҳар йили бир маротаба мониторинг ўтказилиши лозим. Аммо кейинги ўн йилда бу иш қилинмай келди. Ҳатто беш-олти йилдан бери айрим БПТларнинг шаҳар кенгаши билан алоқаси узилиб қолди. Бундан кўз юма олмаимиз. Ахир, партиянинг кўйи ташкилотлари бевосита жамоатчилик билан ишлайдиган бўлган. Уларнинг фаолияти етарли бўлмаслиги партиянинг нуфузига салбий таъсир кўрсатади.

Туман, шаҳар кенгашлари бошланғич ташкилотларни фаоллаштириш, масъулиятни манфаатдорлигини ошириш механизмининг яратилиши керак. Туман ёки шаҳар кенгашларининг долзарб масаладаги йиғилишларини бошланғич ташкилотларда уюштириш, БПТ етакчиларини сайланадиган органларга тавсия этиш, БПТ раҳбарлари ижросига бағишланган йиғилишларни ташкил этиш, фалол кўйи бўғинлар етакчиларини кўпчилик олдида рағбатлантириш яхши самара беради, деб ўйлайман. Шундай экан, БПТ қошида тез-

моаларида шаҳар кенгаши ташаббуси билан тадбирлар ўтказиш, партиянинг дастурий мақсад-вазифалари тарғиботини кенг йўлга қўйиш яхши самара беради.

Ҳамид РҲЗИБОВЕВ, Халқ банки Самарқанд вилоят филиали бўлим бошлиғи, БПТ раиси:

— Охириги йилларда бизнинг банк қошидаги БПТ талаб даражасида фаолият кўрсатди, деб айта олмаиман. Имконият етарли, билим ва маҳорат бор. Аммо ташаббускорлик ва ташкилотчилик етишмади. Партиядошларимизни фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя билан курашишга руҳлантира олмадик. Партиялараро мунозарарада нега бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этмайди? Бунга эришиш учун сиёсий ўқувлар самарасини ошириш талаб этилади. БПТ етакчилари ўртасида сиёсий билим танловлари йўлга қўйилса, баҳс-мунозалар уюштирилса, уларнинг сиёсий маданияти юксалади, мулоқотга киришиш кўникмаси шаклланади.

Мурод ЭСОНОВ, вилоят иқтисодий бошқармаси бўлим бошлиғи, БПТ раиси:

— Бошқармаимиз қошида ЎзХДП бошланғич партия ташкилоти яқинда ташкил этилди. Аъзоларимиз 12 кишидан иборат. Биз алоҳида хонага эга бўлдик. Уни зарурий адабиётлар билан жиҳозладик. Демак, инсонда хоҳиш бўлса, муаммо ечилмай қолмайди. Излаган имкон топади. Замондан орқада қолган ўтказадди. Аъзоларимизнинг ҳаммаси ёшлар. Энг муҳими, ҳар бир партиядошимиз ўз бурчини чуқур ан-

Фракция фаолияти



Қонун лойиҳалари

фракция аъзолари томонидан маъқулланди



Қонун лойиҳасида оилавий корхона иштирокчилари кўрсатилмоқда. Ташкил этувчи шахслар оилавий корхонанинг иштирокчилари бўлишини инobatта олган ҳолда, модда номини оилавий корхона субъектлари, деб номлаш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, мазкур моддани Оила кодексининг 57, 58 ва 59-моддаларига мослаштириш, хусусан, эр-хотиндан ташқари, оиланинг бошқа вакиллари ҳам оилавий корхонанинг иштирокчиси бўлиши мумкинлигини белгилаб қўйиш лозим. Бу, оилавий тадбиркорликнинг ривожланиши имкониятини кенгайтиради.

Фракция йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидлаш керакки, мазкур қонун лойиҳаси орқали Ҳаво кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар кодекснинг тегишли моддаларини давлатимиз иштирокчи бўлган халқаро шартномаларга мувофиқлаштириш, шунингдек, Ўзбекистоннинг аудитдан ўтказилиши натижаларига кўра Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) комиссияси тавсияларини бажаришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида киритилмоқда.

Кодекснинг 94-моддасига мамлакатимиз аъзо халқаро шартномалар меъёриларига мувофиқ ташувчининг жавобарлигини белгилаш билан боғлиқ меъёр киритилмоқда. Унга кўра, Ҳаво транспортдаги ташувлар йўловчи, бағга ва юкларни белгиланган жойга етказиш билан боғлиқ ҳаракатлар аэропортда, ҳаво кемасида, шунингдек, аэропортдан ташқари қўнишларни, яъни бағга ва юкларнинг ташувчи қарамоғида бўлган вақт давомидаги қўнишларни қамраб олиши кўзда тутиляпти.

— Ҳаво кодексининг 103-моддаси ташувчи ташаббуси билан ҳаво транспортда ташув шартномасининг тўхтатилиш асосларини ўз ичига олади, — деди **Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Алия ЮНУСОВА**. — Мазкур модданинг янги таҳририда йўловчи ташувининг асосли рад этиш шарт-шароитларини белгилаш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, йўловчи ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолатларни ҳуқуқий таърифлаш имконини беради. Шу боис йўловчинини ташувчи рад этиш бўйича меъёрларни белгилаётганда, йўловчи ҳуқуқларини чеклаб қўймаслик, унинг муҳофазаси таъминланишига жиддий эътибор қаратиш керак.

Шунингдек, фракция йиғилишида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Депутатлар мазкур қонун лойиҳаси ўз ишини йўлга қўйиш ниятида юрган кишиларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлашга қаратилганини, бу жойларда ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масалалар аҳоли ташаббуси билан ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

Қонуннинг 8-моддасига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқларини кенгайтириляпти. Жумладан, тадбиркорлик субъектлари барча ишлаб чиқариш харажатлари қопланиб, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин қолган даромаднинг (фойдани) эркин тасарруф этиш (суд тартибидеги мажбурий ундирув ҳоллари бундан мустасно) ҳуқуқига эга бўляпти.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунга тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳақлиги презумпцияси тўғрисида модда киритилляпти. Унга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, банклар билан ўзаро муносабатларда тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципи амал қилиши, унга мувофиқ, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддият ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига таъкид этилиши белгилаб қўйилмоқда.

«Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Мазкур қонун лойиҳасига мувофиқ, «Солиқ маслаҳати тўғрисида»ги Қонунга солиқ маслаҳати фаолиятига янада аниқроқ таъриф бериш, солиқ маслаҳати бўйича хизматларни кенгайтириш, солиқ маслаҳатчиларни ташкилоти ҳуқуқларини янада аниқлаштириш, шу билан бирга, мажбуриятларини кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Депутатлар муҳокама қилинган ҳар бир қонун лойиҳаси, хусусан, тегишли моддаларни янада такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдиришди. Қонун лойиҳалари бўйича фракция аъзолари тақлифларини умумлаштириш ва бир тизимга солиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Тўлқин ТҲРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: Ҳаракат дастури амалда

Аҳоли бандлигини таъминлаш

ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналиши

Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ жойларда чорвачиликни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугун айниқса, касаначилик бандлигини таъминлаш ва оилавий даромадни оширишнинг сигнал манбаи экани ўз исботини тобора чуқурроқ топмоқда. Шунингдек, касаначилик хотин-қизларни, айниқса, имконияти чекланган кишиларни меҳнат билан банд этиш имконини бермоқда. Бу ишлар ўз дастурий мақсадларига ғоятда ҳамоҳанглиги учун ҳам ЎзХДП ташкилотлари касаначиликни ривожлантириш ва

аҳоли бандлиги масаласига эътибор билан қарамоқда.

Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича ЎзХДП Марказий Кенгашининг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида касаначиликни ривожлантириш кўзда тутилган.

Жорий йилнинг ўтган даврида ту-

мандаги корхоналар фаолияти ўрганиб, чиқилди, касаначилик йўналишидаги иш ўринларига асосан хотин-қизлар қабул қилинмоқда.

Яқинда туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи касаначиликни ривожлантириш бўйича мониторинг олиб борди ва аҳоли бандлик даражаси ўрганилди. Ўтган давр мавқайида шу йўналиш бўйича туманда 245 та янги иш ўрни очилган. Шундан 123 тасига хотин-қизлар жойлаштирилди. Жумладан, ун заводи акционерлик жамиятида 55 та, регионал темир йўл узелида 8 та, «Қарақалпақстан», «Жаслик» газ магистрал бошқармаларида 3 тадан, АТП-63 масъулияти чекланган жамиятида 6 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари ЎзХДП туман кенгаши иштирокида ўтказилган меҳнат ярмаркаларида 99 та корхона 244 тадан ортиқ бўш иш ўрни билан қатнашди. 206 нафар фуқаро корхоналар билан меҳнат шартномаси имзолади, яна 112 нафарига тегишли маслаҳат берилди. Бироқ бу масалада фойдаланилмай келинаётган имкониятлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Туманнинг ўзига хос шароитидан келиб чиқиб, касаначиликни янада ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш бўйича аниқ тақлиф ва ташаббуслар керак бўлади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қорақалпоғистон Республикаси Вази́рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари ва картошкани зарур ҳажмда ҳамлашни тугаллашни жадаллаштириш, шунингдек, куз-киш даврида аҳоли эҳтиёжларини барқарор ва ишончли қондириш учун уларнинг захирасини тизимли равишда ички бозорга чиқаришни таъминлаш юқланди.

2011-2015 йилларда республика саноатини ривожлантиришнинг устувор вазифаларни тўғрисидаги дастурга киритилган инвестиция лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш масалалари мажлис иштирокчилари эътибори марказида бўлди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида озиқ-овқат, энгил саноат, кимё саноатида, машинасозликда, қурилиш материаллари саноатида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида 828 та ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилганлиги қайд этилди. Инвестиция лойиҳаларини фаол амалга ошириш ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмининг 8 фоизга ўсишини ва 2,3 миллиард доллардан ортиқ қўшимча хорижий инвестициялар жалб этилишини таъминлади.

Бир қатор компаниялар, уюшмалар ва йирик корхоналар раҳбарлари олдида инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини тезлаштириш, шу жумладан, лойиҳа ва тендер ҳужжатларини жадал ва сифатли ишлаб чиқиш, тендер савдолари ўтказиш ва зарур молиявий ресурсларни сарфбар қилиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вази́рининг уринбосарлари, тегишли вази́рликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига таъсирчан Рақобатбардошли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва янги турларини

ўзлаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури амалга оширилишини ташкил этиш юзасидан қўшимча чоралар кўриш вазифаси юқланди. Шунингдек, улар томонидан 2012 йилнинг ишлаб чиқариш дастури бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (ишларга, хизматларга) буюртмалар портфелини шакллантириш ҳамда хомашё ва материаллар харид қилиш юзасидан шартномалар тузиш ишларини кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидланди.

Мажлисда иқтисодий ўсишнинг энг муҳим омиллари сифатида ички талабни ошириш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича ишлар ҳолатини ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари мобайнида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 11,4 фоизга, чакана товар айланмаси 16,2 фоизга ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 14,2 фоизга ўсганлиги қайд этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вази́рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вази́рликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг эътибори ички талабни янада рағбатлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, айниқса, кишлоқ жойларда жадал ривожлантиришга йўналтирилган қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш дастурининг мақсадли параметрлари бажарилиши ва лойиҳалари амалга оширилиши таъкид қилинди. 2011 йилнинг 9 ойида умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳолиятига эга 234,8 км. автомобиль йўллари асфальт-бетон билан қоплаш, шу жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрални участкаларини қуриш бўйича йўл-қурилиш ишлари бажа-

рилди. Йил бошидан буён намунавий лойиҳалар бўйича 5966 та яққа тартибдаги уй-жой, шунингдек, 2194,2 км. сув қувурлари, шу жумладан кишлоқ жойларда 1934 км. сув қувурлари барпо этилди.

Муҳокама давомида Наманган, Сурхондарё, Фарғона ва Тошкент вилоятлари ҳокимларига янги кишлоқ турар жой массивларига зарур муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш, аҳолининг сув таъминотини яхшилаш лойиҳаларини ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш ва Ўзбекистон миллий автомагистрални бўйлаб йўлбўйи инфратузилмасини ривожлантириш ишлари қўнқарсиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилди. Республиканинг қайд этилган ҳудудлари раҳбарлари олдида жорий йилда назарда тутилган инфратузилма объектларини ишга туширишни жадаллаштириш ва 2012 йилга мўлжалланган объектларни қуришни ўз вақтида бошлаш учун тайёргарлик кўриш ишларини яқунлаш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Мажлисда 2011-2015 йилларда республиканинг молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришиш дастурини амалга оширишнинг бориши муҳокама қилиниб, кўрилатган чора-тадбирлар республика молия-банк тизимининг молиявий барқарорлиги сақланиб қолишини ва мустақамлалигини таъминлаётганлиги қайд этилди. 2011 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича тижорат банкларининг жами капиталли ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 бараварга ошди. Аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлари ҳажми қариб 1,5 баравар кўпайди. Банклар ресурс базасининг ўсиши уларнинг иқтисодиёт реал секторига кредит қўйилмаларини 35,6 фоизга кўпайтириш имконини берди.

Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарларининг эътибори банкларни янада ислоҳ

қилиш ва уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш, баҳолашнинг халқаро тизимлари асосида уларнинг молиявий ҳолати ва барқарорлигини йилнинг ҳар чорагида баҳолаш механизминини жорий этиш иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини кредитлашни кенгайтириш ишларини кучайтириш зарурлигига қаратилди.

Мажлисда 2011-2015 йиллар даврида иқтисодиётдаги ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кўламларини кенгайтириш чора-тадбирлари дастурига мувофиқ макроиктисодий кўрсаткичларни ва мамлакатда ишбилармонлик муҳити шакллантирилиши даражасини баҳолашнинг мезонлари ва индикаторларининг янги тизимини жорий этиш юзасидан амалга оширилатган чора-тадбирлар натижалари батафсил таҳлил қилинди. Макроиктисодий кўрсаткичлар мувозанатлигининг асосий индикаторлари бўйича Ўзбекистон иқтисодиёти халқаро мезонларга мувофиқ барқарор юқори кўрсаткичларга эга эканлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолати ва қўйлаётган ўзгаришлар барқарор ижобий баҳоланаётганлигидан далolat бермоқда. Бунга «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тадбирлари амалга оширилиши ҳамда жорий йилнинг ўтган даврида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш тартиботларини анча соддалаштириш ва арзонлаштириш, бир қатор руҳсат бериш тартиботларини қисқартириш, кичик бизнес субъектларининг давлат қаридларидаги иштирокини кенгайтириш, банк кредитлари бериш механизмларини содда-

лаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятини текширишларни тубдан қисқартиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматнинг 20 таддан ортиқ ҳўжжати қабул қилинганлиги ҳам қўмаклашди. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли кичик бизнеснинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2010 йилнинг 9 ойидаги 48,5 фоиз ўрнига 50,5 фоизга етди. Кичик бизнесда саноат ишлаб чиқариши ҳажмлари 26,5 фоизга ўсди, уларнинг маҳсулоти экспорти эса 1,6 баравар кўпайди. Ушбу масалани муҳокама қилиш давомида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари зиммасига Адлия вази́рлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорликнинг ривожланишига тўққонлик қилаётган муаммоларни мунтазам ўрганиш, улар фаолиятга давлат органларининг ноқонуний аралашини ҳолатларини тезкор аниқлаш ва бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳўқуқий муҳофиза қилишни кучайтириш бўйича тизимли ишларни давом эттириш вазифаси юқланди.

Кун тартибидеги масалалар бўйича республика вази́рликлари, идоралари, ҳўжалик бирлашмалари, йирик корхоналари ва вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлисга киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов томонидан белгилаб берилган 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш, шунингдек, келгуси йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун ишончли қарорлар яратиш борасида қўшимча чора-тадбирлар белгиланган тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Хориж Сигарет ва спиртли ичимликлар

савдосида паспорт сўралиши мумкин



Молдовада янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Агар у мамлакат парламенти томонидан қабул қилинса, дейилади «Новости-Молдова» АА хабарига, тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланувчи дўкондорлар ёши кичик кўринган харидорларга уларнинг паспортларини кўриб, вояга етганигига ишонч ҳосил қилгач, сотувни амалга оширади.

Негаки, эндиликда 18 ёшга етмаган ўсмирларга тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотиш қонун бўйича тақиқланди. Кимки бу қондан бузса жисмоний шахслар 2 минг 400 леев (200 АҚШ доллари атрофида), юридик шахслар эса 7 минг леев (600 доллар атрофида) миқдорда жарима жазо-

сига тортилади. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Молдова аҳолисининг 60-65 фоизи тамаки чекувчилар тоифасига қиради. Ҳатто мактаб ўқувчилари орасида ҳам сигарет чекувчилар кўпбал топилди. Улар эса сигаретни шу пайтгача истаганда сотиб олишарди.

Кечки парвозлар вақтинча тақиқланди

Гессен олий маъмурий суди Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳридаги йирик аэропортида кечки рейслар парвозини вақтинча тақиқлади. Тақиқлов 21 октябрдан қўлга қиради ва у кечки соат 23.00 дан тонти 5.00 гача амал қилади. Келгуси йил баҳордан эса тақиқлов бекор қилиниши мумкин.



«Stern» нашри баён қилишича, Франкфурт-Майн ва у ердан бошқа шаҳарларга парвозни амалга оширувчи авиакомпаниялар эндиликда 17 та парвозни бекор қилишига тўғри кела-

ди. Бу парвозлардан 11 таси эса «Lufthansa» авиакомпанияси зиммасидаги парвозлардир. Судда маълум қилинишича, Руссельхайм ва Оффенбах аҳоли манзиллари фуқароларининг судга қилган муурожаатидан сўнг тунги парвозлар тақиқланди.

Аҳолини рўйхатга олиш давом этмоқда

Арманистонда аҳолини умумий рўйхатга олиш тадбири 12 октябрдан бери давом этмоқда. У 21 октябрда якунланади, дея хабар беради «Новости» АА.



эътиқоди сингари саволларга жавоб беришлари лозим. Ингилган маълумотларни жамлаш ва ҳулосалашга бир йил вақт кетади. Келгуси йилнинг кузида тадбир якунлари эълон қилинади.

Республикада охириги марта аҳолини рўйхатга олиш тадбири 2001 йили ўтказилган. Ушунда мамлакат аҳолиси 3 миллион кишини ташкил этган эди. Дарвоқе, бу йилги тадбир 2,5 миллиард драм (6,6 миллион доллар атрофида) миқдорда сарф-харажат талаб этади.

Ҳарбий операциялардаги иштироки

17 миллиард еврога тушди

Немис иқтисодий тадқиқотлар институти («DIW») экспертларининг ҳисоб-китобларига кўра, Германиянинг Афғонистондаги ҳарбий операцияларда ўн йиллик иштироки мамлакат газнасига учун қимматга тушди, яъни 17 миллиард евро миқдорда маблағ сарфланди, дея хабар беради «Deutsche Welle» нашри.

Шуни айтиш лозимки, «DIW» эълон қилган маълумотларда сарф-харажатлар миқдори аввалроқ федерал ҳокимият баён этган маълумотлардагидан икки баравар кўпдир. Расмий маълумотларда бу рақам 5,5 миллиард еврога тенг деб баҳоланган. «DIW» манбаларида қайд этилишича, немис қўшинлари 2014 йилда Афғонистондан олиб чиқиб кетилишини ҳисобга олсак, ҳукумат яна 5 миллиард евро миқдорда маблағ сарфлашига тўғри келади. Октябрда Германия ҳарбийлари Афғонистондаги ҳарбий операцияларда иштирок этишни бошлаганига 10 йил тўлди.

Полиция вакиллари сони 1,5 баравар кўпайтирилади

Лондон шаҳри полициясининг янги комиссари Бернارد Хоган-Хау пойтахт шаҳар кўчаларида полиция вакиллари сонини бир ярим бараварга оширишни маълум қилди, дея хабар беради «The Guardian» газетаси.

Комиссарининг айтишича, жорий йилнинг августда Англия шаҳарларида тартибсизликларнинг авж олишига биринчи галда полициянинг қамлиги ва уларнинг журъатсизлиги сабаб бўлган. Агар тартибсизликларни келтириб чиқарганларга нисбатан ўз вақтида қатъий чоралар кўрилганда тартибсизликлар оммавий тус олмасди ва қурбонлар бўлмасди.

Фармон ва ижро

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан тижорат банклари ҳамкорлиги

Президентимизнинг 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ушбу соҳа ривожини йўлидаги яна бир муҳим қадам бўлди. Фармонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ҳамкорлик қилиш механизминини янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга алоҳида эътибор берилган.

Хусусан, жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб, тижорат банкларидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада банк ҳисоб рақами очишда тўлов ундириш бекор қилинди. Бу энди иш бошлаётган тадбиркорлар учун жуда муҳим бўлиб, уларнинг сарф-харажатларини камайтиради.

Фармонга мувофиқ тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизми такомиллаштирилди. Энди тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратилиши ҳақидаги аризаларини қўриб чиқиш мuddати уч банк кунидан ошмапти. Бу чора тадбиркорларга тижорат банкларини кредит маблағларидан фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини бошлаш ва кенгайтириш имкониятини энгиллаштиради.

Шунингдек, банк пластик карталари билан тўловларни амалга ошириш нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ажралмас қисмига айланди. Кичик бизнес субъектлари корпоратив пластик карталар билан ўз ҳўжалик фаолиятлари учун зарур бўлган товар ва (хизмат)ларни бемалол харид қилмоқдалар. Фармонда кичик бизнес субъектларидеги бухгалтерия (юк хати, ишончнома каби) ҳўжжатларини камайитириш мақсадида улар томонидан савдо ва сервис соҳасида харид қилинадиган товар (иш, хизмат)лар учун корпоратив пластик карталардан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга оширишда тўлов терминналари чекларини бирламчи бухгалтерлик ҳўжжатларига тенглаштирилиши белгиланганлиги тадбиркорларга жуда

қўл келмоқда. Натижада тадбиркорларнинг корпоратив карталардан фойдаланиш даражаси ошмоқда, нақд пулсиз ҳисоб-китоблари тезлашмоқда ва уларнинг ҳўжалик-молиявий ҳолати яхшиланмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг аксарияти савдо ва сервис соҳасида фаолият кўрсатаётганлиги сабабли нақд пул билан муомала қилади. Илгари кичик бизнес субъектларининг ҳаммаси нақд пул тушувларини инкассация орқали тижорат банкларига топшира эдилар.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ошди, йил охирига 3556 млрд. сўмга етказилиши мўлжалланган. Ушбу кредитларнинг 631 млрд. сўми микрокредитлар ажратилишига қаратилган. 620 млрд. сўми озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 280 млрд. сўм миқдоридеда кредит маблағлари ажратилди.

Фармонга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари энг кам иш ҳақининг йигирма баробари миқдорига бўлган нақд пул тушувларини банкларга мустақил топширишлари белгилаб қўйилди.

Амалиётда кичик бизнес субъектларининг кўпчилиги мол-мулкларининг етишмаслиги сабабли банк кредитининг қайтарилиши таъминотини тақдим этиш муаммосига дуч келади. Бундай ҳолат тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини чегаралайди. Шу сабабли Фармонга биноан кичик бизнес субъектлари янги технологик ускуналарни харид қилишлари

учун кредитларни гаров билан қопланмаган қисми бўйича таъминот тақдим этилиши учун мамлакатимизда кафолатлаш фонди ташкил этилиши арафасида турибди. Шубҳасиз, мақzur фонд тадбиркорларнинг банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради ва улар билан ўзаро самарали ҳамкорликни таъминлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлигини таҳлил қилар эканмиз, бир қатор масалаларга эътибор бериш ўринли бўлади. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ошди, йил охирига 3556 млрд. сўмга етказилиши мўлжалланган. Ушбу кредитларнинг 631 млрд. сўми микрокредитлар ажратилишига қаратилган. 620 млрд. сўми озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, гўшт ва сутни қайта ишлаш билан боғлиқ лойиҳа-

ларни молиялаштиришга йўналтирилади. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 280 млрд. сўм миқдоридеда кредит маблағлари ажратилди. Яна бир янгилик шундан иборатки фақатгина касб-хўнар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга 21,5 млрд. сўм, кишлоқ жойларда оилавий бизнес ва хўнарандчиликни ривожлантириш мақсадларига 12 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатилади.

Давлатимиз томонидан қўрилатган чоралар натижасида кичик бизнес

субъектлари йилдан-йилга ўз молиявий аҳолини мустаҳкамлаб, иқтисодий баҳуват корхоналар сафидан жой олмоқда. Мамлакатимизда 2000-2010 йиллар давомида рўйхатдан ўтган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони қариб икки баробар ошган, ўтган 2010 йилда Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 1000 нафарига 15,2 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тўғри келганини кўрамиз. Ваҳоланки, мақzur кўрсаткич Молдовада 12,3 та, Россияда — 11,3 та, Украинада — 7,5 та, Белорусида — 7,3 та, Қозғоғистонда — 6,9 та, Озарбойжонда эса 1,6 таши ташкил этади. Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялли ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилда 31,0 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган 2010 йилда 52,5 фоизга етди. Ушбу соҳада иш билан банд аҳолининг иқтисодиётда умумий банд бўлганлар сонидеги улуши ортиб, 2000 йилдаги 49,7 фоиздан 74,3 фоизга етди.

Яна бир муҳим янгилик ҳақида тўхташ ўринли бўлади. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 июндаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон банклар уюшмаси ҳузурда Инвестиция лойиҳалари ҳўжжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилди. Бу жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа юларини танлаш, лойиҳа ҳўжжатларини ишлаб чиқиш ва инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга қўмаклашиш, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини амалга оширишда қўмаклашишдан иборатдир.

Ҳулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда банклар ва кичик бизнес вакиллари ўртасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш иқтисодиётимизнинг мақzur муҳим соҳаларини янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Санжар МУСАХАДЖАЕВ, Ўзбекистон банклари уюшмасининг Департамент бошлиғи.

Ифтихор



Ўқув-амалиётини Индонезияда ўтказдик

«Дунёга танилмоқ учун — дунё билан танишмоқ керак». Бир пайтлар худди шу сарлавҳа остида чоп этилган мақолага кўзим тушганди. Янглишмасам унда ёш, мустақил давлатнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин топишида илгор мамлакатларнинг тажрибаларини ўрганиш, бунинг ижобий жиҳатлари хусусида фикр юритилганди.

Буни нега эсладим?.. Яқинда ўқув-амалиёт сафари билан хорижда бўлдим. Ундан илк хулоса шуки, биз дунё билан эмас, балки дунё биз билан, яъни Ўзбекистоннинг босиб ўтаётган тараққиёт йўли, эришаётган оламшумул натижалари, бунга асос бўлаётган омиллар хусусида яқиндан танишмоқ тараддуғида тушибди...

ларда фикр алмашилди. Албатта, халқаро даражадаги анжуманда қатнашган ҳар бир инсон ўз юрти ҳақида, у ерда бўлаётган ўзгаришлар, эришилган ютуқлар тўғрисида тўлиб-тошиб гапирди. Лекин бу халқаро тадбирда ушбу жараён бошқача кўринишда намоён бўлди. Ўзбекистонимизда ўтказилаётган банк-молия соҳасидаги ислохотлар хорижий нуфузли мутахассислар томонидан хақли равишда эътироф этилди. Бундан бизнинг кўнглимиз тоғдай ўсди. Айниқса, Президентимиз томонидан илгари сурилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясининг мазмун-моҳияти иштирокчилар, хатто ташкилотчиларда катта қизиқиш уйғотди. Бу ҳақда кўпдан кўп саволлар берилди, фикр алмашилди...

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қoшидаги Олий бизнес мактабининг биз — олти нафар тингловчисига бир ҳафта давомида Индонезия давлатида ўқув-амалиёт ўтказди. Сафар дастурига биноан, ҳар бир иштирокчи ўз мамлакатини ҳақида маълум қилиши керак. Бу эса биздан катта масъулият талаб этарди. Сафарга тайёргарлик борасида директоримиз Маннон Алиев йўл-йўриқларига амал қилдик.

Ушбу ўқув-амалиётни Индонезия ташқи ишлар вазирлиги ва Индонезия миллий бошқарув институтининг «Мазмурий ислохотлар йўли билан давлат бошқарувини такомиллаштириш» мавзусидаги халқаро ўқув дастури шаклида ташкил этилган. Унда бизнинг мамлакатимиз вакиллари билан ташқари кўпгина хорижий давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар ҳам иштирок этди.

Анжумани Индонезия ташқи ишлар вазирлиги сўзи билан очди. Шундан сўнг сўнг устлар томонидан миллий ашула ва рақслар ижро этилди. Шунингдек, чет давлатлардан келган мутахассислар томонидан давлат бошқаруви, маъмурий, иқтисодий ва молиявий ислохотлар, уларнинг натижалари, шунингдек, иқтисодий барқарорлиқни таъминлашда кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожининг аҳамияти каби мавзу-

Сардор АХМАДЖОНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси қoшидаги Олий бизнес мактаби тингловчиси

21 октябрь — «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилинган кун

Тилимиз фидойиси эди

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддиновнинг «Ижодни англаш бахти» китобидан ўрин олган «Тил илмининг дарғаси» мақоласида: «Аюб Фулом ўз соҳасини жуда чуқур биларди. Тилшунослик унинг биринчи ва аҳтимолки, бирдан-бир муҳаббати эди. Шу муҳаббат туфайли у ўзбек тилининг ички қонунларини кашф этиб, уларни фан тилига кўчиради ва бу билан ҳам чекланмай ўзбек тилининг нафосатини, жиловларини, бетакор рангларини, беқиёс бойлигини очибди тоғлар тоғлар. Унинг маърузалари туфайли она тилимиз сиру-синоатга тўла жавоҳирлар санъидайи кўринарди».

Фидойи олим она тилимизнинг жонқуяр тарбиячиси сифатида бутун илмий фаолияти давомида буюк мақсад — ўзбек тилини жаҳоннинг энг мукамал ва мумтоз тиллари даражасига етказишга интилдди. Шу йўлда тинимсиз изланди, ҳамкасб ва шогирдларини ҳам ўз ортидан эргаштира олди. Домла «Ўзбек тили ифода имкониятларининг кенглиги жиҳатидан дунёдаги энг мукамал тиллардан бири», дея фахрланарди.

Аюб Фуломов «Ўзбек тилида келиш-клар», «Ўзбек тилида кўплик категорияси», «Ўзбек тили морфологиясига кириш», «Содда гап» каби асарлари билан ўзбек тили илмий грамматикасининг тамал тошини қўйди. У кишининг ўрта мактаблар учун яратган «Ўзбек тили» дарслиги ўтган асрда 20 мартадан ортиқ нашр этилганнинг ўзиёқ профессор Аюб Фуломовнинг юксак салоҳияти, беқиёс иқтидорининг ёрқин намунаси.

Домла кўп йил мобайнида ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек тилшунослиги кафедрасини бошқарди. Бу йиллар мобайнида кафедрада ўзбек тилшунослиги, ўзбек тилини ўқитиш методикаси, нутқ маданияти, ўзбек диалектологияси каби соҳалар бўйича кенг камровли тадқиқотлар олиб борилди. Илмий адабиётлар, дарслиklar ва ўқув қўлланмалари яратилди. Домланинг меҳнату заҳматлари эвазига шаклланган маъруза кафедраси, фан оламида ва талабалар орасида яхшигина ном қозонган Ф.Аббасов, М.Миртожиев, Ё.Фуломов, А.Алиев, К.Назаров, Ғ.Шокиров, Ё.Тожи-ев сингари олимлар жамоаси фаолият кўрсатар эди.

Устознинг табиатида ҳар қандай масалага тўғри ёндашиш, унинг туб моҳиятини очувчи асосий фикр занжирини аниқлаб, уни амалга ошириш хислати бор эди. Педагогик фаолиятини оддий ўқитув-

чиликдан бошлаб, кейинчалик фан доктори, профессор, кафедра мудури бўлганда ҳам талабаларга билим бериши, улар кўнглида илм ва ижодга қизиқишни, она тилига муҳаббат уйғотишни ўзининг муҳим ва масъулиятли бурчи деб биларди. Айнан шу фазилати билан домла катта обрў қозонди, ҳамкасб ва шогирдларига ибрат кўрсатди.

Узоқ йиллар давомида ЎЗМУ филология факультетида ажойиб анъана сақланиб қолган: эндигина олий даргоҳ остонасига қадам қўйган 1-курс талабаларига илк машғулоти Аюб Фуломов ўтарди ва ул зотнинг таъсирларида ёшларнинг яридан кўпроги албатта тилшунослик бўлишни орзу қилишарди...

Домла кўпчиликини хайратга соладиган юксак истеъдод соҳиби, мамлакатимиз тарихида биринчи марта ўзбек тилшунослиги бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган забардаст олим эди. Унинг ўзбек тилшунослигини юқори чўққига кўтарган илмий тадқиқотларини жаҳондаги кўпгина етуқ тилшунослик олимлар тан олган ва ўз илмий ишларида уларга қайта-қайта мурожаат қилишган.

Ўзбек илм-фани равнақига улкан ҳисса қўшган машҳур олимлар бисёр, лекин улуг тилшунослик Аюб Фуломов бетакор, тил илмида ягона эди. Домланин ёзма нутқи ҳам, озаки нутқи ҳам бирдек раван, жозибали эдики, оҳанграбодек кишини ўзига тортарди. Умр бўйи илм дурдоналарини йиғиб, саралаб, ўзидан кейин буюк ҳазина қолдирди. Илмда қанчалик ҳалол ва заҳматкаш бўлса, ҳаётда, одамларга муносабатда ҳам шу даражада тўғрису, маърифатли эди. Бевосита домланнинг илмий раҳбарлигида диссертация ёқлаган фан номзодлари ва докторларининг сонини ўттиздан ортиқ бўлса, билвосита устознинг эътибори ёки таъсири туфай-

ли илм оламига кирганларнинг саногига етиш мушкул.

Шу ўринда Аюб Фуломовнинг шогирдларидан бири Ўзбекистон Республикаси фан аربоби, филология фанлари доктори, профессор Раҳматулла Кўнғуровнинг қуйдаги фикрларини келтириш ўринлидир: **Фанда машҳур бўлиш, янги йўналишларга асос солиш, фундаментал тадқиқотлар яратиш, барча илмий унвонларни кўлга киритиш мумкин. Лекин мактаб яратиш ва унинг илмий жамоатчилиги томонидан тан олиншига эришиш гоятда машаққатдир. Ўзбек тилшунослиги тарихида Аюб Фуломов илмий мактаби эътироф этилади. Ушбу мактаб бир дарё бўлса биз унинг ирмоқларимиз...**

ЎЗМУ ўзбек тилшунослиги кафедраси жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан домланнинг илмий асарлари ўрганилиб, «Аюб Фуломовнинг мероси» номи остида бешта рисола эълон қилинди. Шунингдек, «Аюб Фуломов ва ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари» тўпламини ҳар йили чоп этириш орқали янги номларни кашф қилиш анъанага айланган. Домла шогирдларининг муваффақиятлари қувонарди. Ўзим гувоҳ бўлганман: 1983 йилда Аюб Фуломов раҳбарлигида «Хозирги ўзбек тилида содда гаплар синонимияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқладим. Ушанда устознинг меҳридан, одамгарчилигиндан тўққинлиб, кўзимга ёш келганди...

Хар йили 21 октябрь куни ўтказилган тил байрамида устоз Аюб Фуломов ва бошқа тилшунослик олимлар эслаймиз. Ёшларимизга уларнинг илмий мероси ҳақида гапириб берамиз.

Биз Аюб Фуломовнинг шогирди эканлигимиздан, бугунги кунда устознинг хайри ишларини давом эттираётганлигимиздан фахрланамиз. Умрини маърифатга, илмга сарфлаган, эзгулик йўлида тинимсиз изланган — аллома Аюб Фуломовнинг ёрқин хотираси доимо қалбимизда яшайверад.

Равно САЙФУЛЛАЕВА, ЎЗМУ ўзбек тилшунослиги кафедраси мудури, филология фанлари доктори, профессор, Нодирахон АЛОВТДИНОВА, кафедра катта илмий тадқиқотчиси.

Қадим воҳа — сайёҳларни чорламоқда

Қашқадарё вилоятида 16 туристик агентлик иш олиб бораётир. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг вилоятдаги сайёҳлик ва экскурсиялар бюроси маълумотларига кўра, жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида воҳага жажоннинг ўнлаб мамлакатлардан 15 мингга яқин хорижий сайёҳ ташриф буюрган.

Воҳанинг тарихий-мёморий обидалари, зиёратгоҳлар ва сўлим масканларини кенг тарғиб қилишга қаратилган янги маршрутларнинг ишлаб чиқилгани, шунингдек, сайёҳларга замонавий меҳмонхоналарда юқори сифатли хизматлар кўрсатилаётгани Қашқадарёда туризмни жадал ривожлантириш борасида янги имкониятларни очмоқда.



Жамшид НОРҚОБИЛОВ (Уса) олган сурат

Қувончли, фахрли воқеа



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бош ҳақам эронлик Муҳсин Турки 11-дақиқада меҳмонлар ўз жарима майдончаси яқинида қондан бузди, деб топди. Стандарт вазиятдан эса «Ал-Виҳдат» вакили Абдуллоҳ Диеб унумли фойдаланиб, Муроджон Зухуров кўриқлаётган дарвозани ишғол этди — 1:0. Мезбонлар ҳисобини очган маҳали кўпчиликнинг хаёлига энди «Насаф» аъзолари ўз уйинини йўқотиб қўйди, деган фикр келган бўлса, ажаб эмас. Бирок, бош мураббий Анатолий Демяненконинг кучли рақибга нисбатан тўғри тактика танлагани, йигитларнинг майдонда иштиёқ билан ўйнагани ўз самарасини берди. Учрашувнинг 62-дақиқасида Андрейс Пе-

Ўзбек футбол тарихида янги саҳифа

реплёткинс узоқ масофадан оширган тўпни Иван Бошковиц боши билан дарвозага йўналтириб, ҳисобни тенглаштирди. Аслида ҳамюртларимизнинг финалга чиқишлари учун бу натижа кифоа эди. Шунга қарамай, футболчиларимиз учрашувнинг сўнгги дақиқаларига қадар ушқоқликни сувайтирмади. Орадан ўн беш дақиқа ўтар-ўтмас Переплёткинс Лутфулла Тўраева кулай вазиятда тўп чиқарди. Дарвозабон қаршисида ёлғиз қолган Лутфуллиннинг кучли зарбасига, афсуски, дарвоза устуни тўғаноқ бўлди. Кейин ҳам «Насаф» футболчиларида яна бир неча бор гол билан яқунлаш мумкин бўлган вазиятлар юзага келди. Аммо ўйин охиригача дарвозаларга бошқа тўп киритилмади — 1:1. Яқинда икки ўйин натижасига кўра, рақибдан устун келган «Насаф» жамоаси футболимиз тарихида биринчи марта ОФК кубоги финалига йўллангани кўлга киритди.

Энди кўрғача кўра, ОФК кубоги тақдирини 29 октябрь куни Қаршида ҳал бўлади. Шу кун «Насаф» футболчилари Қувайтнинг «Қувайт СК» жамоа-

си билан куч синашади. Қувайтликлар ярим финалда Ирқонинг «Арбил» вакиллари билан баҳс юритиб, 2:0 ва 3:3 ҳисобларини қайд этишган ҳамда икки ўйин натижасига мувофиқ ҳал қилувчи учрашувга йўлланма олишган.

Кеча тонгги соат 06.00 да «Насаф» спорт делегацияси Қарши аэропортида кенг жамоатчилик, юзлаб муҳлислар томонидан тантана билан кутиб олинди.

— «Насаф»га жамоа ташкил топганидан бери ишқибозлик қиламан, — дейди фан-клуб раҳбари ўқтам Узоқов. — Футболчиларимизнинг «Ал-Виҳдат» жамоасини енгиб, мусобақа финалига йўлланма олгани нафақат қашқадарёлик, балки бутун Ўзбекистон муҳлисларини хурсанд қилди. Бу аввало ортимизда футбол тараққиётига кўрсатилаётган катта эътибор ва гамжўрлик самарасидир. Ишонимизки, «Насаф» жамоаси финалда ҳам мазмулни ўйин кўрсатиб, барчамизни хушнуд этади ва Ватанимиз номини улуғлайди.

Эркин ХОЛБОБОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

«Туркистон кимошди савдоси»

МЧЖ 2011 йил 19 ва 20 ноябрь кунини ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Савдоларга Чимбой шаҳри, «Қорақалпоқ Дари-Дармак» АК шўъба корхонаси тасарруфидидаги 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 95/172 ДАА, бошланғич нархи 4219900 сўм бўлган «Дамас» STD русумли; Нукус шаҳри, «Қорақалпоқ Дари-Дармак» АК шўъба корхонаси тасарруфидидаги 1999 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 95/173 ДАА, бошланғич нархи 3150700 сўм бўлган «Анаса» DLX русумли; Эликкальва тумани, тиббиёт бирлашмаси тасарруфидидаги 1996 йилда ишлаб чиқарилган давлат рақами 95/692 ААА, бошланғич нархи 1815000 сўм бўлган «УАЗ» 39629 русумли, автоматотранспорт воситалари кўйилади.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал соат 18.00 да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида ўн фоизи миқдорда зақалат пули «Туркистон кимошди савдоси» МЧЖнинг Миллий банк Қорақалпоғистон филиалидаги МФО 00582, СТИР 3019797534, 202080-00904882074001 ҳисоб рақамига тўланади.

Аукцион савдолари соат 11.00 да қуйдаги манзилда бўлиб ўтади: Нукус шаҳри, Амир Темур кўчаси, 129-уй, телефон: (8361) 222-00-80.

Улгурчи савдо билан шугулланувчи фармацевтика корхоналари раҳбарлари диққатига!

Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси қишлоқ врачлик пунктларини марказлашган ҳолда дори-дармонлар билан таъминлаш учун тендер савдолари эълон қилади.

1. Тендер комиссиясининг ишчи органи манзили ва телефон рақамлари: 710000, Андижон шаҳри, Амир Умархон кўчаси, 19-уй (+99874) 224-31-61, 224-81-10, 224-62-61.

2. Тендер таклифлари бўйича ҳужжатлар тўпламини қабул қилишнинг охириги мuddати — 2011 йил 17 ноябрь соат 16.00 гача.

3. Тендерга оид қўшимча маълумотларни олиш учун Андижон вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига юқоридан кўрсатилган реқвизитлар бўйича мурожаат қилиш мумкин.

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TANHIR HAY'ATI:

- Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA, G'afar HOTAMOV, Muhlihdin MUHIDDINOV, Ochiilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1046 10228 nusxada bosiladi.

t — Tijorat materiallari Topshirish vaqti — 21.00 O'za yakuni — 23.05 Topshirilgan vaqti — 00.25 So'rovda erkin narxda

Анжуман

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик таракқиётида банк тизимининг роли

Куни кеча Республика Марказий банки томонидан Германия халқаро ҳамкорлик жамияти билан биргаликда илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Ушбу анжумани ўтказишдан асосий мақсад мамлакатимизда амалга оширилаётган банк-молия тизимидagi ислохотларни янада чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда уларнинг иштирокини янада ошириш, шунингдек, кредитлар ажратилиш механизми янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф хизматлари, шунингдек, кредитлар ажратилиш механизми янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқилган иборатдир.

Шу билан бирга, анжуманда мамлакатимизда жорий йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниб, бу борада тасдиқланган Давлат дастури асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш юзасидан кенг камровли ишлар амалга оширилаётганлиги алоҳида айтиб ўтилди.

Жумладан, Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармони асосида яратилган имтиёزلар соҳанинг янада ривожланишида муҳим ўрин тутатганлиги таъкидланди.

Банklar томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурига мувофиқ, жорий йил якунига қадар 3,8 трлн. сўм миқдорда кредитлар ажратилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг 9 ой якунига бўйича соҳага йўналтирилган кредитларнинг ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қариб 1,5 баробарга ошиб 3,1 трлн. сўмдан ортиқни ташкил этди.

Шунингдек, анжуманда кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтларининг узоқ мuddатли имтиёзли кредит линияларини жалб этиш борасидаги ҳамкорликнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди.

Хусусан, жорий йилнинг 9 ой давомида чет эл кредит линиялари ҳисобидан кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп кредитлар ажратилиб, унинг ҳажми 99,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ОБ-ҲАВО 20-21.10. 2011

	БУГУН	ЭРТАГА
Тoшкeнт	23°	25°
Самарқанд	20°	25°
Нукус	18°	23°
Қарши	22°	27°
Урганч	18°	23°
Навоий	20°	25°
Фарғона	20°	25°
Бухоро	20°	25°
Андижон	20°	25°
Наманган	20°	25°
Термиз	22°	27°
Жиззах	20°	25°
Гулистон	20°	25°
Тoшкeнт вил.	20°	25°

Лондон	14°	11°
Париж	13°	15°
Москва	7°	7°
Мадрид	24°	25°
Пекин	20°	21°
Гонгконг	29°	27°
Рим	21°	22°
Анкара	12°	14°
Токио	22°	22°
Стокгольм	10°	10°
Кейптаун	19°	19°
Кохира	25°	30°
Гавана	25°	30°
Вашингтон	23°	24°

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

